

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚАЮМОВ АБДУРАСУЛ ШОНАЗАРОВИЧ

**ГОРИЗОНТАЛ НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚУДУҚЛАРИНИ САМАРАЛИ ЮВИШ
НАЗАРИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.11 – Қудуқларни бурғилаш ва ўзлаштириш технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническом наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Қаюмов Абдурасул Шоназарович

Горизонтал нефть ва газ кудуқларини самарали ювиш назариясини ишлаб
чиқиш..... 3

Қаюмов Абдурасул Шоназарович

Разработка теории улучшения промывки горизонтальных нефтяных и
газовых скважин..... 21

Qayumov Abdurasul Shonazarovich

Development of the theory of effective flushing of horizontal oil and gas
wells..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚАЮМОВ АБДУРАСУЛ ШОНАЗАРОВИЧ

**ГОРИЗОНТАЛ НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚУДУҚЛАРИНИ САМАРАЛИ ЮВИШ
НАЗАРИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.11 – Қудуқларни бурғилаш ва ўзлаштириш технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Г267 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шакиров Анвар Адилевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимов Акбарходжа Комилович
техника фанлари доктори, профессор

Нурматов Усан Даурович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

“Ўзбекнефгаз” АЖ

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/05.06.2020.T.03.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «22» декабрь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй, Мухандислик технологиялари факультети, 215 - хона. Тел.: (+99871) 246-46-00, факс: (+99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№189 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 227-03-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «9» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «9» декабрдаги №1- рақамли реестр баённомаси).



A.A. Rahimov

А.А. Рахимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори

Sh.A. Karimov

Ш.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби,
т.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD)

A.A. Zokirov

А.А. Зокиров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, техника фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефт ва газ саноатининг ривожланиш босқичида маҳсулдор қатлам ва горизонтларда вертикал ҳамда горизонтал қудуқларни бурғилаш суръатининг ошиши ҳисобига нефт ва газ қазиб олишнинг ўсиши таъминланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, айниқса горизонтал қудуқларни бурғилаш ва бурғилаш колоннасини айланиш жараёнида кўпфазали бурғилаш эритмасининг гидродинамик ҳаракатини ўрганиш ҳамда қудуқни самарали ювиш муаммолари етарлича ўрганилмаган. Шу сабабдан юқоридаги муоммаларни илмий ва экспериментал тажрибалар орқали ўрганиш зарурати туғилади. Шундан келиб чиқиб, горизонтал қудуқларни ювиш ва майдаланган тоғ жинсларини транспортировка қилиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ўрганиш устувор масала ҳисобланади. Шунинг учун горизонтал қудуқларни бурғилашда майдаланган тоғ жинси заррачаларини транспортировка қилиш жараёнини чуқурроқ назарий ва экспериментал ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда горизонтал нефт ва газ қудуқларини самарали ювишни мақсадли ўрганишга ва бошқа муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу жумладан, қудуқларни самарали ювишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, горизонтал қудуқ стволида майдаланган тоғ жинсларини самарали транспортировка қилиш, бир жинсли бўлмаган (гетероген) муҳитлар структураси ва ҳаракатланиш қонуниятини учун тадқиқот моделини ишлаб чиқиш, суюқлик оқим режимини аниқлаш, бурғилаш эритмаси таркибида концентрацияни тўғри тақсимлаш, оқим тезлигини аниқлаш, суюқлик механикаси назарияси асосида оғирлик кучини ҳисобга олган ҳолда каттиқ заррачанинг муаллақ ҳолатидаги критик тезлигини аниқлаш, бурғилаш эритмасининг технологик хусусиятларига гидрофоб стабилизатор реагентининг таъсирини ўрганиш масалалари долзарб ҳисобланади.

Республикамизда энергетикага бўлган мустақилликни таъминлаш ва нефт-газ саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда режали ва босқичма-босқич ривожланиш, янги техника ва технологияларни қўллаш ҳисобига ҳар йили Республикаимизнинг углеводород ресурслари базасини ўсиши таъминланмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ҳар бир ҳудуднинг табиий ва минерал-хом-ашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш”¹ бўйича вазифалар белгилаб қўйилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда қудуқларни бурғилаш жараёнида горизонтал қудуқ тубида ва стволи атрофида майдаланган тоғ жинсларининг чўкишини камайтиришни таъминлаб бериш учун бурғилаш эритмасининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

янги таркибини ишлаб чиқиш бўйича илмий-изланишлар олиб бориш долзарб ҳамда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш давлат дастури тўғрисида"ги 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонида белгиланган 2017-2021 йилларда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон "Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика саноатини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-4142-сон қарори шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII "Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом-ашёларни қайта ишлаш)" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё олимлари томонидан кенг қамровли горизонтал нефт ва газ қудуқларини бурғилаш, бурғиланган тоғ жинсларини ер юзасига олиб чиқиш орқали қудуқларни ювиш технологияси ва назарияси йўналишида тадқиқотлар олиб борилган ва бир қатор натижаларга эришилган.

Жаҳоннинг етакчи ва кўплаб илмий марказлари, олий таълим муассасаларида соҳага оид бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилган. Нефт ва газ қудуқларини бурғилашнинг кўплаб йўналишлари бўйича дунёнинг етакчи олимлари, жумладан АҚШ ва Германия тадқиқотчилари V.C. Habbaed, C. Marks, X.A. Rabia, A.E. Duckler ва бошқалар томонидан нефт ва газ қудуқларини бурғилаш, бурғиланган ва майдаланган тоғ жинсларини транспортировка қилиш технологиясининг самарадорлигини ошириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқотлар натижасида горизонтал нефт ва газ қудуқларини бурғилаш профиллари, бурғилаш технологияси ва қудуқларни бурғилашнинг технологик параметрларини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган.

МДҲ мамлакатлари олимларидан И.А. Хабибуллин, А.М. Лихушин, А.Г. Губайдуллин, З.С. Алиев, Р.А. Валитов, Р.Г. Гилаев, Я.М. Росизаде, С.Г. Горбунов, П.В. Мукук, А.Х. Мирзажанзаде, В.Л. Михеев, А.А. Мовсумов, В.М. Роджерс, К.С. Кларк ва бошқалар томонидан горизонтал нефт ва газ қудуқларини геометрик моделлаштириш, қудуқларда бурғиланган тоғ жинсларини ташиш, бурғилаш эритмасининг физик-кимёвий кўрсаткичларини такомиллаштириш, технологик параметрларни яхшилашнинг назарий асослари ишлаб чиқилган.

Маҳаллий олимлардан Э.У. Мамаджанов, А.К. Рахимов, А.М. Аминов, Ж.А. Акилов, Т.К. Карабаев, С.З. Жаббарова, У.Д. Нурматов, Б. Хужаёров, Д.Ф. Файзуллаев, А.А. Шакиров, М.Н. Абдуллаев, А.А. Рахимов, Ш.Х. Умедов ва бошқаларнинг илмий ишларида қудуқларни самарали бурғилаш жараёнини геологик жиҳатдан тавсифлаш, назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш орқали тоғ жинсларини механик хусусиятларини ўрганиш масалаларига бағишланган.

Юқоридаги тадқиқот ишларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу йўналишда ҳал қилинмаган ўзига хос бир қатор муаммолар мавжуд ва уларни ечимини топиш учун назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш талаб этилади. Бу эса аномал ва кўпфазали аралашмалар гидродинамикасининг физик ҳодисаларини ва горизонтал қудуқларни бурғилаш пайтида аралашманинг оқим энергия тежамкорлигидан фойдаланиш ва стволни самарали ювиш усулини ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг 30/13 "Республиканинг саноат чиқиндиларидан фойдаланилган ҳолда қудуқларни мустаҳкамлаш ва синаш учун енгил тампонаж эритмаларнинг янги таркибий қисмларини яратиш ва амалиётга жорий этиш" (2013 й.), 1/14 "Маҳаллий саноатда ишлаб чиқарилган модификацияланган крахмал асосида бурғилаш эритмаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш" (2014 й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади горизонтал қудуқ стволлида бир жинсли бўлмаган (гетероген) муҳитлар қонуниятини аниқлаш ва майдаланган тоғ жинсларини самарали транспортировка қилишнинг назарий асосини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

қудуқларнинг горизонтал ва қия-йўналтирилган қисмларида шламни транспортировка қилиш жараёнига бурғиланган, тузилиши бир жинсли бўлмаган муҳитлар таъсирининг қонуниятини аниқлаш учун экспериментал қурилмани ишлаб чиқиш;

горизонтал қудуқлардаги транспортировка жараёнига шлам концентрациясининг таъсирини ўрганиш ва уларнинг рационал параметрларини аниқлаш;

турли хил оқим режими шароитида эксцентрик ҳалқа бўшлиғида аномал эритмаларнинг оқим тезлиги тақсимлашини ҳисоблашнинг математик моделини ишлаб чиқиш;

аралашма, шлам пульпаси оқими шароитида энг самарали транспортировка имкониятларини аниқлаш;

гидродинамик қонуниятни ўрнатиш ва улар асосида энергияни ўз ичига олган оқим тузилишини амалга оширишнинг гидродинамик усулини ишлаб чиқиш;

кимёвий реагент ва қаттиқ заррачалар аралашмаси сарфида чўкиш қалинлигининг ўзгариш қонуниятини аниқлаш учун назарий ва экспериментал тадқиқот ўтказиш.

Тадқиқот объекти сифатида нефт-газ қудуқларининг қия-йўналтирилган ва горизонтал қисмлари олинган.

Тадқиқот предмети горизонтал қудуқлар стволида бурғилаш колоннасининг ҳаракати ва бурғилаш эритмаларининг гидродинамик оқими ҳамда структуравий барқарорлик жараёнларининг қонуниятлари, технологик параметрлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Амалдаги муаммоларни ҳал қилиш учун математик моделлаштириш, экспериментал лойиҳалаш усуллари, экспериментал маълумотларни қайта ишлаш усуллари, шунингдек замонавий назорат ва ўлчаш асбобларидан фойдаланган ҳолда тажриба ўтказиш учун умумий тасдиқланган усуллар ва амалдаги меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган технологик параметрларни аниқ ўлчаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

модел қурилманинг горизонтал қисмидаги ҳалқа бўшлиғида кўп фазали эритманинг оқими ва шлам гидротранспортининг илмий ва амалий муаммолари ечимлари ишлаб чиқилган;

горизонтал қудуқларни бурғилаш жараёнида бурғилаш эритмалари оқимининг характери ва тоғ жинслари тузилишининг гидродинамик қонуниятлари аниқланган;

аралашма оқим назарияси асосида айланадиган қувурда қаттиқ заррачаларнинг чўкмаган ҳолатдаги оқим режими аниқланган;

ҳисоблаш йўли билан ювувчи суюқлик сарфи ва ҳалқасимон каналнинг кўндаланг кесим юзаси нисбатининг ўзгаришида канал бўйлаб шламларни самарали ташиш аниқланган;

тоғ жинси заррачасини бурғиловчи кучнинг вужудга келиши натижасида тоғ жинси билан бурғи туташ юзасида ҳосил бўладиган шлам қатлами қалинлигини ювиш суюқлиги ва фильтратнинг реологик хусусиятларини ўзгартириш орқали камайтириш мумкинлиги аниқланган;

қаттиқ муҳитлар механикаси назарияси асосида тортишиш кучини инобатга олган ҳолда қаттиқ заррачанинг муаллақ ҳолатдаги критик тезлиги аниқланган;

горизонтал қудуқларни бурғилашда гилли эритманинг технологик хусусиятларига гидрофоб стабилизатор реагенти ва полимер композицияларнинг таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ювиш суюқлигининг гидродинамик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари такомиллаштирилган;

бурғиланган тоғ жинси қаттиқ заррачаларининг горизонтал қудуқ стволида чўкишининг камайганлиги аниқланган;

ювиш суюқлигининг қовушқоқлиги ва силжишнинг статик кучланиши (2 марта) сезиларли даражада камайганлиги аниқланган;

циркуляция давомида гидродинамик бурғилаш тезлиги ошганлиги аниқланган;

оғирлик ва қаршилик кучларини инобатга олган ҳолда қаттиқ заррачанинг муаллақ ҳолатдаги критик тезлигини аниқлаш формуласи назарий ишлаб чиқилган;

горизонтал нефт ва газ кудуқларини бурғилаш учун гидрофоб стабилизатор асосида бурғилаш эритмасининг янги таркиби олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қаттиқ муҳитлар механикасининг фундаментал қонунларига асосланган математик моделларни таҳлил қилиш билан асосланган. Тажрибалар ньютон ва ньютон бўлмаган суюқликлар оқимининг гидродинамик параметрлари сифатли ва микдорий таҳлилнинг экспериментал ўлчаш усули билан ўтказилди. Муаллифнинг назарий ишланмалари бошқа олимларнинг назарий хулосалари ва экспериментал изланишлари билан ҳамда ўзининг ўтказган тажрибалари, лабораториялари эса - табиий кузатишлар билан мос келди. Экспериментал тадқиқот маълумотлари қайта ишлашнинг энг мураккаб математик усуллари асосида қайта ишланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, горизонтал кудуқларни самарали ювиш ва тозалаш ҳамда бурғиланган тоғ жинсларини транспортировка қилиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш учун илмий асослар ва усуллар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, қаттиқ фазали бурғилаш эритмасининг оқим режими ва тезлигини аниқлаш усуллари ҳамда оқим режимини бошқаришнинг гидродинамик усулини ишлаб чиқишдан иборат. Қия-йўналтирилган ва горизонтал бурғилаш жараёнида қаттиқ заррачалар концентрациясининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, бурғиланган тоғ жинсларини кудуқ тубидан олиб чиқиш орқали кудуқни самарали ювиш зарур, бу эса кудуқларни бурғилаш самарадорлигини ошириши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Горизонтал нефт ва газ кудуқларини самарали ювишнинг назариясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

горизонтал кудуқларни самарали ювиш жараёни “Бухоронегфгазпармалаш” АЖнинг Жанубий Кемачи конини №156Г кудуғида амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2020 йил 20 октябрдаги №24-3-127-сонли маълумотномаси). Натижада, бурғиланган тоғ жинси заррачаларининг горизонтал кудуқ тубида чўкиши камайганлиги, бурғилаш эритмасининг гидродинамик ва физик-кимёвий кўрсаткичларини ошириш ҳамда горизонтал кудуқларни қуриш жараёнининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини 8÷10% га ошириш имконини берган;

кудукларни бурғилашдаги циркуляция жараёнида эритманинг аниқланган гидродинамик параметр кўрсаткичлари “Қашқадарё пармалаш ишлари” АЖнинг Шеркент конини №14 кудуғида амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 20 октябрдаги №24-3-127-сонли маълумотномаси). Натижада, эритманинг қовушқоқлиги ва силжишнинг статик кучланиши (2 марта) камайганлиги, гидродинамик бурғилаш тезлиги ошганлигини асослаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертацияда қайд этилган ва ечими изланган муаммонинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланиб, уни амалга оширувчи илмий ва техник вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасидаги илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот апробацияси натижалари нашр этилган илмий ишлар, шунингдек, диссертация тузилмаси ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **"Горизонтал кудукларни бурғилашга оид адабиётларни аналитик таҳлил қилиш"** номли **биринчи бобида** горизонтал кудукларда шламларни олиб чиқиш (транспортировка қилиш) билан боғлиқ бўлган тадқиқотларнинг қисқача таҳлили келтирилган.

Бухоро-Хива нефт-газли худудидаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, қия-йўналтирилган ва горизонтал кудукларни бурғилашда кудукни етарли даражада тозаланмаслиги бир қатор асоратлар ва қурилиш даврини чўзилишига олиб келади.

Тозалаш усуллари такомиллаштириш бир неча йўналишда, яъни ювиш суюқликларининг реологик параметрларини яхшилаш, ювиш гидродинамикасини такомиллаштириш, қовушқоқ-эластик буфер эритмаларини қўллаш орқали амалга оширилади.

1 - жадвалда Жанубий Кемачи конидаги №156Г горизонтал қудуғини бурғилаш учун бурғилаш эритмасининг асосий параметрларининг ўзгариши берилган.

1-жадвал.


Бурғилаш жараёнида номинал таркибли бурғилаш эритмаси параметрларининг ўзгариши

Бурғилаш эритмаси таркиби	Қўшилма ФХЛС		Зичлик, Г/см ³	Шаргли қовушқоқлик, с	Сув бераолувчанлик, см ³ /30 дақиқа	Қобик қалинлиги, мм	рН	СНС, дРа дақиқадан сўнг	
	%	г						1	10
*НБЭТ+ФХЛС	0,2	2	1,25 - 1,35	60	8	2	9	28	56
НБЭТ+ФХЛС	1	10	1,12 - 1,18	50	6	1,5	8	20	40

*Номинал бурғилаш эритмаси таркиби.

Горизонтал бурғилаш технологиясини амалга оширишда қия-йўналтирилган ва горизонтал қудуқларни бурғилаш учун бурғилаш эритмаси оқимининг гидродинамик, физик ва геометрик параметрларини аниқлаш учун янги тажриба ва назарий ҳисоблаш формулалари зарурлиги кўрсатилган.

Диссертацияда Бухоро-Хива нефт-газли ҳудуди геологик тузилиши жиҳатдан таҳлил қилинган, майдонларда қия-йўналтирилган ва горизонтал қудуқларни бурғилаш бўйича материаллар ўрганилган ҳамда горизонтал қудуқларнинг профиллари санаб ўтилган.



1-расм. Жанубий Кемачи конидаги №156Г қудуқ профили


Юқоридаги маълумотларга кўра тажриба ишларини олиб бордик ва Жанубий Кемачи конидаги №137Г, №156Г горизонтал қудуқларни бурғилаш бўйича асосий кўрсаткичларни тақдим етдик (1-расм).

Биринчи боб бўйича хулосалар: Ҳозирги вақтда горизонтал қудуқларни бурғилашнинг энг катта ҳажми Бухоро-Хива нефт-газли ҳудудларига тегишли эканлиги аниқланган. Горизонтал қудуқларни бурғилаш технологиясида қудуқларни турли хил радиус ва профилларда қазиш амалга оширилган. Бухоро-Хива нефт-газли ҳудудларидаги горизонтал

қудуқларни ювишнинг гидродинамикасини такомиллаштириш бўйича бурғилаш эритмаларининг реологик параметрларини яхшилашнинг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

"Қудуқнинг горизонтал стволида бурғилаш эритмаси оқимининг структурасини бошқариш жараёнини моделлаштириш" деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида, бурғиланган тоғ жинсларини (моделли) самарали транспортировка қилиш учун экспериментал қурилманинг рационал параметрларини танлаш натижалари келтирилган.

2 – расмда бурғиланган тоғ жинсларини ташиш шартларини аниқлаш учун экспериментал қурилма схемаси берилган.



2 –расм. Бурғиланган тоғ жинсларини ташиш шартларини аниқлаш учун экспериментал қурилма схемаси

1 – оқим линияси; 2 – ушловчи ички қувур; 3 – эритма учун сиғим (ёмкость); 4 – ассимиляция линияси; 5 – насос; 6, 9 – двигатель; 7 – ўлчов мосламаси (расходомер); 8 – узатиш линияси; 10 – редуктор; 11 – сальник; 12 – шишали қувур (қудуқ модели); 13 – алюминли қувур; 14 – бурғилаш қувурлари; 15 – кранник; 16 – манометр.

Тажрибада Q/S нисбатда бир қатор ўзгаришлар оралиғи аниқланган, бунда шламни ҳалқасимон канал орқали қудуқ юзасига самарали транспортировкаси амалга оширилади. Шу билан бир вақтда солиштирма сарфи $Q/S=0,35\div 0,7$ м/с, бурғи тешиқлардаги босимлар фарқи қиймати 12-13 МПа бўлганда, суюқлик оқимининг тезлиги $v=80\div 120$ м/с оралиқда бўлишлиги тавсия этилади.

Тадқиқотларда турбулент оқим режими шароитида эритмаларни икки фазали деб қараш мумкинлиги ўрганилган.

Ҳисоблашларнинг талаб этилган аниқлик даражасини ҳисобга олган ҳолда қаттиқ фазанинг динамик қовушқоқлиги – μ_2 турбулент режимда амалий мақсадларда фойдаланиш мумкин.

$$\mu_2 = -\mu_1 \cdot \frac{Q_1}{Q_2} + \left(-\frac{\partial P}{\partial X} \right) \cdot \frac{\pi \cdot R^4}{8 \cdot Q_2} , \quad (1)$$

бу ерда μ_1 – суюқ фазанинг динамик қовушқоқлик коэффициентини; Q_1, Q_2 – мос равишда биринчи ва иккинчи фазаларнинг ҳажмий сарфи, м³/с; $\frac{\partial P}{\partial X}$ – босим градиенти; R – қувур радиуси, м.

(1) формуладан қаттиқ заррачаларнинг катталигига қараб динамик қовушқоқлик коэффициентини μ_2 аниқланади ва бир жинсли заррачаларнинг катталиги ортиб бориши билан μ_2 ортиб бориши исботланади.

Ҳисоблаш натижаларига асосан олинган қийматлар ўртасида жуда яқин корреляцион боғланишлар борлиги аниқланди. Босим тушиши ва ўртача тезликнинг 20% га етишига қараб, иккинчи фаза концентрацияси $f_2=0,2$ ва $f_2=0,3$ учун қаттиқ заррачанинг ҳажмий таркиби бўйича ҳисоблаш натижалари ва тажриба қийматлари кўрсатилган (2 - жадвал).

2-жадвал

$\frac{1}{\gamma_1} \left(-\frac{\partial P}{\partial X}\right)$	$Q_1, \frac{м^3}{соат}$	$Q_2, \frac{м^3}{соат}$	$\mu_2 \cdot 10^4, Па \cdot с$	$k, \frac{кг \cdot с}{м^4}$
$f_2=0,2$ учун				
0,03	18,8	3,0	14,3	373
0,04	22,6	4,9	14,2	370
0,05	26,5	5,6	14,5	343
0,06	30,2	6,3	14,6	340
0,07	34,0	7,1	14,5	333
			$\mu_{2cp} = 14,4$	$k_{cp} = 351$
$f_2=0,3$ учун				
0,04	13,0	4,7	13,0	457
0,05	15,6	5,7	13,0	462
0,06	18,3	6,7	12,9	477
0,06	20,9	7,6	12,8	497
0,07	23,6	8,8	12,7	520
			$\mu_{2cp} = 12,8$	$k_{cp} = 483$

Қаттиқ фазанинг шартли қовушқоқлик коэффициенти босим пасайиши билан деярли ўзгармас бўлиб, ўзаро таъсир коэффициенти бир оз ортади. ΔP 45% га ўзгарганда k 12% га ўзгаради.

Бунда минераллашган бурғилаш суюқликларининг структуравий-механик, реологик ва филтрлаш хоссаларини яхшилаш учун госсипол смоласи ва ёғ кислоталарининг триглицеридларини шартли номи бўлган гидрофоб реагенти - стабилизатор ГС билан ўзгартириш йўли орқали олинган кимёвий реагентдан фойдаланиш имконияти ўрганилди. Тадқиқотда реагент молекулаларининг гил заррачаларига адсорбцияланиш ва электролитлар иштирокида уларнинг коагуляцияси имкониятини ошириш қобилияти юқори эканлигини кўрсатди.

Иккинчи боб бўйича хулосалар: Горизонтал қудуқларни моделлаштириш, қудуқ стволини ювиш ва тозалашни такомиллаштириш, оқилона параметрларни аниқлаш учун экспериментал қурилма ишлаб чиқилди. Бурғиланган тоғ жинсларини ташиш учун ҳисоблаш формулалари олинди ва оғирлик ҳамда Архимед кучларини ҳисобга олган ҳолда унинг критик тезлигини аниқлашга доир назарий ечимлар олиб борилди. Қаттиқ заррачалар концентрацияси (эритма оғирлиги) ортиб бориши билан критик оқим тезлиги камайиб бориши аниқланди.

Диссертация ишининг "**Нефт ва газ қудуғининг горизонтал стволини ювиш сифатини оширишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш**" номли **учинчи бобида**, бурғиланган тоғ жинсларини қудуқнинг ҳалқасимон юзаси орқали самарали олиб чиқишни такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, ички

кувурнинг айланмаган ва айланган ҳолатида шлам чўкишининг қонуниятлари аниқланди.

Шу билан бирга геометрик моделлаштириш коэффициентларини 0,5/0,7 ни танладик. Тажрибаларда зичлиги $\rho=2500 \text{ кг/м}^3$ ва бир миллиметргача бўлган фракцион таркибли кварц қуми мисолида лойқа заррачасининг моделидан фойдаланилди. Тажрибаларда қаттиқ заррачаларнинг ҳаракатларини визуал кузатиш учун горизонтал қудуқларни бурғилаш учун бурғилаш суюқликларининг ўхшаш параметрларига эга бўлган сув ва КМЦ нинг сувли эритмаси (0,1 ÷ 1,5%) ишлатилган.

Бир, икки ва кўпфазали оқим режимларида горизонтал қувурнинг ҳалқасимон кесим юзасида карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) ва диаметри $d=1\div 3 \text{ мм}$ бўлган кварц қумининг турли концентрацияли эритмасида шламнинг чўкиш қалинлигини аниқладик. Биз бу тажрибаларни қуйидаги усулда бажардик. Миқдорлар қуйидагича олинди: ҳажмий концентрацияси $f= 1 \div 2 \%$ кварц қуми ва КМЦ 1 ÷ 1,5% гача қўлланилди.

Олинган натижалар жадвалларда кўрсатилган (3÷4 - жадвал): эритма сарфи (Q), оқим тезлиги (v), Рейнольдс сони (Re), бурғилаш эритмасининг турли таркибида шлам чўкиш қалинлиги (h) ўзгаришининг боғлиқликлари.

3-жадвал

сув+ 1% КМЦ + 2% кварц қуми

Ички қувур айланмайдиган ҳолат				Ички қувур айланадиган ҳолат			
$Q, \text{ м}^3/\text{соат}$	$V, \text{ м/с}$	Re	$h, \text{ мм}$	$Q, \text{ м}^3/\text{соат}$	$V, \text{ м/с}$	Re	$h, \text{ мм}$
1,75	0,285	6577	2,5	0,5	0,082	1875	1
2	0,327	7516	2,2	1	0,099	2277	0,98
2,5	0,408	9395	1,06	1,25	0,204	4698	0,92
2,75	0,4493	10334	0	1,5	0,245	5637	0,85

4-жадвал

сув + 1,5% КМЦ + 2% кварц қуми

Ички қувур айланмайдиган ҳолат				Ички қувур айланадиган ҳолат			
$Q, \text{ м}^3/\text{соат}$	$V, \text{ м/с}$	$Q, \text{ м}^3/\text{соат}$	$V, \text{ м/с}$	$Q, \text{ м}^3/\text{соат}$	$V, \text{ м/с}$	Re	$h, \text{ мм}$
1	0,099	2277	1,6	1	0,099	2277	1
1,5	0,245	5637	1,45	1,5	0,245	5637	0,95
2	0,327	7516	1,4	2	0,327	7516	0,8
2,5	0,392	9008	1,15	2,5	0,392	9008	0,75
3	0,4901	11274	1,1	3	0,4901	11274	0,7
3,5	0,5719	13153	0,5	3,5	0,5719	13153	0,65

Шундай қилиб, оқим барқарорлашгандан сўнг, бир хил босим пасайиши ва кварц қуми таркибининг концентрацияси ортиши билан суюқликнинг оқим тезлиги камаяди.

Бу маълумотлар асосида, икки оқим режими шароитида кварц қуми ва КМЦнинг турли хил концентрациясидаги сувли аралашмасида ички қувурдаги лойқа аралашманинг сарф миқдори (Q) ва чўкиш қалинлиги (h) нинг боғлиқлигини баҳолаш учун ностатистик ёндашувни оламиз.

Маълумки, регрессия таҳлилида Y ўзгарувчининг тасодифий қийматининг бир (ёки бир нечта) тасодифий бўлмаган мустақил X ўзгарувчига бир томонлама боғлиқлиги кўриб чиқилади.

Q, K_n, K_m катталикларнинг олинган ҳар бир қиймати h нинг тегишли қийматлари учун бошқарилмайдиган омиллар таъсирида тасодифий тақсимланиши мумкин. X омил таъсирида Y ўзгарувчи қийматининг ўсиш (ёки камайиш) жараёнини акс эттирувчи нозичикли регрессия тенгламалари (2) ни ўрганиб чиқдик.

$$y = b_0 + b_1 \cdot x + b_2 \cdot x^2 + \dots + b_n \cdot x^n \quad (2)$$


Шунинг учун регрессия тенгламасида Q, K_n, K_m ўзгарувчи қийматларида чўкма қалинлиги (h) нинг ўзгариши парабола тенгламаси сифатида намоён бўлади:

$$h = b_0 + b_1 \cdot Q + b_2 \cdot Q^2 \quad (3)$$

бу ерда b_0, b_1 и b_2 – регрессия коэффицентлари, K_n, K_m қийматлари учун экспериментал маълумотлар асосида аниқланган.

Юқоридаги усулдан фойдаланиб, 3–жадвал ва 4–жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, h_i учун нозичикли регрессия тенгламасини (3) тузамиз ва ε_i доимийни аниқлаймиз.


3-жадвал ва 4-жадвалдаги маълумотларни кўриб чиқиб, ички қувур айланмаган ва айланган ҳолатлардаги қийматларнинг боғлиқлик графигини тузамиз. 3-жадвал ва 4-жадвалдаги олинган натижалар (3) формула ёрдамида ҳисобланган ва 3-расм ва 4-расмда регрессия эгри чизиклари кўрсатилган.



3-расм. Регрессия эгри чизик графиги (3-жадвал учун).

a - ички қувур айланмаган ҳолат; b - ички қувур айланган ҳолат.

1 - ҳисоблаш (3) формула бўйича; 2 - эксперимент натижаси бўйича



4-расм. Регрессия эгри чизик графиги (4-жадвал учун).

a - ички қувур айланмаган ҳолат; b - ички қувур айланган ҳолат.

1 - ҳисоблаш (3) формула бўйича; 2 - эксперимент натижаси бўйича

Кўрсатилган 3-расм ва 4-расмдаги барча регрессия эгри чизиклари Фишер-Снедекора критериясига мувофиқ, заррача чўкиш қалинлиги (h) нинг суюқлик сарфи (Q) га уч параметрли боғлиқлигини қўллаш учун тавсия этилган математик моделнинг етарлилигини тасдиқлайди.


Жадвал ва графикларни таҳлил қилиш натижасида, ички қувурнинг айланмаган (a) ва айланган (b) ҳолатлари учун ҳосил бўлган графиклардаги регрессия эгри чизигининг жойлашувидан кўринадикки, ички қувурнинг айланган ҳолатида қаттиқ заррача чўкиши (h) нинг камайишига олиб келади. h қийматининг энг катта камайиши "сув+1,5 % КМЦ + 2% кварц куми" аралашмаси учун кузатилади (4-расм). Тоғ жинсларини чиқариб ташлашга оид муаммоларни бартараф этиш учун назарий ечимлар ишлаб чиқилган, хусусан, тортишиш, кўтарувчи Архимед ва қаршилиқ кучларини ҳисобга олган ҳолда қаттиқ заррачанинг муаллақ ҳолатини таъминлайдиган критик тезлиги аниқланди.

Горизонтал қисмдан чиқувчи суюқлик оқимининг тезлиги v_n билан қаттиқ заррачанинг ўртача тезлиги v_c бўлган ҳаракат кўриб чиқилган. Қудуқнинг деворлари яқинида қаттиқ зарралар ва суюқлик оқимининг тезликлари ҳар хил, чунки бунда $v_n \neq v_c$ бўлиши керак ва шу муносабат билан нисбий тезлик қуйидаги кўринишга эга бўлади $v_{отн} = v_n - v_c$.

Бундан ташқари, $t \rightarrow \infty$ бўлган ҳолатда оқимдан чиқарилган заррачанинг нисбий тезлиги $v_{отн} = 0$ эканлигини ва бунда $v_n = v_c$ тенглик ўринли бўлишини қабул қиламиз.

Шу тарзда, канал бўшлиғидаги зарраларни транспортировка қилишда оқимнинг ўртача тезлиги v_n ни танлаш учун маълум бўлган v_c тезлик аниқланиши керак. Канал бўшлиғидаги заррачанинг ҳаракати горизонтал оқим ва вертикал Архимед кучи таъсирида содир бўлади ва шунинг учун у икки ўлчовли бўлади. Шунинг учун горизонтал ва вертикал йўналишдаги зарралар ҳаракатини тенглаштиришдан фойдаланиш керак.

Келинг, XOY координаталар тизимини жорий қилайлик, бу ерда бошланғич координаталар бошида O нуктада ўрнатилади, OX ўқи суюқлик оқими ҳаракати томонига йўналтирилади, OY унга перпендикуляр бўлади (5-расм).




5-расм. Заррачанинг горизонтал ва вертикал йўналишда ҳаракатланиши

Архимед кучлари иштирокида заррачанинг ҳаракати икки ўлчовли бўлиб, вертикал ҳаракат суюқлик оқими ҳаракати йўналиши бўйича содир

бўлади. Зарранинг вертикал (OY ўқи бўйлаб) ҳаракати Стокс қонуни ва Архимед кучлари бўйича ишқаланиш кучлари таъсирида содир бўлади.

6-расмда заррачалар тезлигининг t (секунд) вақтда канал бўйлаб ($0 < t < t_0$) ва унинг бўйлаб ($t_0 < t < t_1$) эркин ҳаракатланиши билан ўзгариши кўрсатилган.



6-расм. Ишқаланиш коэффициентининг ҳар хил қийматлари учун заррачанинг силжиши (а) ва тезлиги (б) t (сек) дан сўнг оқим йўналиши бўйича ўзгариши f : 1- $f=0,1$; 2- $f=0,2$; 3- $f=0,3$; 4- $f=0,4$

Графикдан кўришиб турибдики, заррачанинг канал девори бўйлаб ҳаракати доимий ва ишқаланиш коэффициенти ошиши билан ҳаракатланиши ва тезлиги пасаяди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳисобланган қийматлар кичик ўзгаришларга боғлиқ ва горизонтал қудуқнинг турли қисмларида фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун қудуқ бўшлиғида мавжуд бўлган заррачани олиб ташлаш тасодифий. Ҳақиқатда, зарраларни ер юзасига чиқаришни таъминлаш учун V_0 нинг қиймати V_n қийматидан 13-14% катта бўлиши керак.


Учинчи боб бўйича хулосалар: Бурғилаш эритмаси оқимида ҳалқасимон бўшлиқда ички қувурнинг айланган ва айланмаган ҳолатида шлам чўкишининг қонуниятлари аниқланди. Ҳалқали канал ўқи бўйлаб зарраларнинг ҳаракат қонунлари ва гидродинамик ҳамда Архимед кучлари таъсирида унга перпендикуляр йўналган ва канал сиртидан зарраларга етиб бориш вақти аниқланди, бу эса канал ўқи бўйлаб заррачани самарали ташиш имкониятини беради. Чўкиш тезлиги эритманинг реологик хусусиятларига, оқим режимига ва заррача ўлчамига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Диссертация ишининг "**Гидрофоб стабилизаторни ишлаб чиқиш ва унинг горизонтал қудуқларни бурғиладда бурғиланган жинсларни ташиш қобилиятини ўрганиш**" номли тўртинчи бобида, гидрофоб хоссага эга полимер электролитлар асосида бурғилаш суюқликларининг янги турлари келтирилган. Полимер гел тузлари гидрофоб кўшимчалар сифатида ишлатилади. Улар реологик хусусиятларига кўра сувга ўхшашдир (нисбий ёпишқоқлиги $T=15-17$ с), шу билан бирга, ўтказувчанлиги ($S=0,1-1,0$ мкм²) бўлган қумтошлар бошқариладиган суюқлик йўқотилиши билан кўпикланади ва паст дисперсли кўпиклар ва юқори ўтказувчанликка эга жинслар кўшилади.

Натижада, гилмоя зарралари атрофида кучли солват қобиклар ҳосил бўлиб, молекуляр ва водород боғлари орқали таъсирлашади, бу эса гилмоя

минерал зарралари билан стабилизатор молекулаларининг тузилиш жараёнини кучайтиради. Адсорбцион полимолекуляр қатламларнинг пайдо бўлиши адсорбция эгри чизиқларининг табиатидан дарак беради (7-расм).

Госсипол молекулалари спирт гуруҳларининг гил заррачалари сиртига кириши бошқа молекулалар ва ионоген гуруҳлар томонидан тўсқинликсиз бўлса, энг мустаҳкам солват қобик ҳосил бўлади.



7-расм. Гилмояларда ГС реагентининг адсорбция изотермаси (А - адсорбция; С – реагент концентрацияси). 1 – бентонит; 2 - Навбахор гилмояси; 3 – полигорскит.

Бурғилаш суюқликлари кўрсаткичларини яхшилашда ГС реагенти билан гил суспензиялари эритмасига дастлабки ишлов бериш орқали ўзгартирилиши мумкин. Олинган тажриба натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Гилли эритманинг технологик хоссаларини таркиби ва ўзгариши

№	Эритма таркиби Навбахор гилмояси асосида	Эритма параметрлари							
		Шартли қовушқоқлик (Т), с	Зичлик (ρ), 10 ³ кг/м ³	Силжишнинг статик кучланиши (СНС), дПа, дақиқадан сўнг		Фильтрация (Ф), см ³ /30 мин	Қобик (К), мм	Силжишнинг динамик кучланиши (τ ₀) дПа	Эластик қовушқоқлик (μ), мПа·с
				1	10				
1	30% гилмоя + 10% ГС + 5% КССБ + 1% СаСl ₂	70	1,19	63	78	3,0	1,0	143	18
2	30% гилмоя + 8% ГС + 5% КССБ + 1% СаСl ₂	62	1,19	50	66	4,6	1,0	107	15
3	30% гилмоя + 5% ГС + 5% КССБ + 1% СаСl ₂	43	1,18	30	49	6,3	1,5	89	12
4	25 % гилмоя + 10% ГС + 2 % КМЦ + 20% NaCl	82	1,26	43	86	2,2	0,5	151	48
5	25 % гилмоя + 8 % ГС + 2 % КМЦ + 20 % NaCl	64	1,26	14	27	4,0	0,5	110	40
6	25 % гилмоя + 2 % ГС + 2 % КМЦ + 20 % NaCl	56	1,25	8	20	5,6	0,5	87	32

Тавсия этилган усул билан тайёрланган гилли эритмалар структура - механик характеристикалари берилган бошқа эритмалар характеристикалари кийматидан 2-3 марта юқори бўлиб, фильтрация коэффициенти эса паст бўлади.

Ўтказилган тадқиқотлар бурғилаш эритмасини тайёрлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқишга ва юқори молекуляр полимер реагентлари - стабилизаторларнинг хусусиятларини самарали бошқариш ва сарфини камайтириш мақсадида минералогик эритмаларни ГС реагентининг амалиётда қўлланилишининг мақсадга мувофиқлиги илмий асосланган.

Гидрофобик стабилизатор реагентининг бурғилаш эритмаларининг хусусиятларига таъсири текширилди: полимер композицияларининг бурғилаш эритмаларининг технологик хусусиятларига таъсири ўрганилди; лойли дисперсияларининг структуравий ва механик хусусиятларини ўрганиш учун математик статистика олинган; горизонтал нефт ва газ қудуғини бурғилаш учун гидрофоб стабилизатор асосида бурғулаш суюқликларининг янги таркиби олинган. Амалий тадқиқотлар асосида олинган натижалар б-жадвалда кўрсатилган.

6-жадвал

Жанубий Кемачи конида синов пайтида янги таркибдаги бурғилаш эритмаси параметрларининг ўзгариши (№156Г қудуғи)

Бурғилаш эритмаси таркиби	Қўшилма ГС		Зичлик, г/см ³	Шартли қовушқоқли қ, с	Сув бераолувчан лик, см ³ /30 дақиқа	Қобик қалинлиги, мм	рН	СНС, дПа дақиқадан сўнг	
	%	г						1	10
НБЭТ+ГС	0,01	0,1	0,8-0,9	45	6	1	9	22	45
НБЭТ+ГС	0,05	0,5	0,75-0,8	35	4	0,5	8	15	30

Горизонтал қудуқларни бурғилаш жараёнида бурғилаш эритмасининг асосий вазифаси бурғиланган тоғ жинсларини қудуқ тубидан чиқариб, сўнгра ҳалқасимон бўшлиқ орқали қудуқ устига чиқаришдан иборат. Бундай ҳолда, бурғилаш эритмалари етарли кўчириш қувватига эга бўлиши керак. Юқоридаги муаммони ҳал қилиш учун турли қўшимчалар (гидрофоб стабилизатор) билан бурғилаш эритмаларининг реологик хоссалари ва параметрларини ўрганиб чиқдик.

Бухоро-Хива нефт-газли ҳудудидаги "Бухороннефтьгазпармалаш" АЖ ва "Қашқадарё пармалаш ишлари" АЖ майдонларидаги горизонтал қудуқларни бурғилаш учун амалга оширилган тадқиқот натижаларини тасдиқловчи актлар олинди.

Тўртинчи боб учун хулосалар: Гидрофоб стабилизатор реагентининг бурғилаш эритмаларнинг физик хусусиятларига ижобий таъсири ўрганилди. Қудуқнинг ҳалқа бўшлиқли кесим юзасида ювувчи суюқликнинг оқим тезлигининг ўзгаришида шламни самарали транспортировка қилиш амалга

оширилди. Жанубий Кемачи конидаги №137Г, 156Г қудуқларида ва Шеркент конидаги №14 қудуқларида модификацияланган қаттиқ стабилизатор асосида тайёрланган бурғилаш эритмасининг янги таркиби таклиф қилинди ва қудуқларни қуриш вақтида техник-иқтисодий кўрсаткичларни 8-10% га оширишга ёрдам берди.

ХУЛОСА

Диссертация ишларини бажаришда олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагилар:

1. Адабиёт манбаларини таҳлил қилиш ва бурғилаш учун зарурий материалларни танлаш - қия-йўналтирилган ва горизонтал қудуқларни самарали ювиш ҳамда бурғиланган тоғ жинсларини ер юзасига олиб чиқишни илмий ўрганиш учун экспериментал (модел) қурилма параметрларини ишлаб чиқиш ва аниқлаш имконини берган.

2. Бухоро-Хива нефт-газли ҳудудидаги майдонларда горизонтал бурғилашни ҳисоблаш формулалари назарий усуллар ва тажрибалар ёрдамида асосланган.

3. Қудуқларнинг горизонтал ва қия-йўналтирилган қисмларида шламни транспортировка қилиш жараёнида бурғиланган бир жинсли бўлмаган (гетероген) мухитларнинг структуравий қонуниятлари ўрганилган.

4. Горизонтал бурғилаш жараёнида бурғиланган тоғ жинсларининг гидродинамик қонуниятлари қўлланилган.

5. Горизонтал қудуқларни бурғилаш жараёнида полимер ва гидрофоб стабилизатор реагентининг бурғилаш эритмасининг технологик хусусиятларига таъсири ўрганилган.

6. Амалий кузатувлар натижаларига кўра, қудуқ тубидан майдаланган тоғ жинсларини олиб чиқувчи ва статик кучнинг турғунлиги аниқланган. Унинг қиймати қудуқ девори ва колонна орасида шлам қатлами қалинлигига боғлиқ. Шундай қилиб, бурғилаш эритмасининг реологик хусусиятларини ўзгартириш орқали шламнинг чўкиш қалинлигини камайтириш имконини берган.

7. Қудуқнинг халқа бўшлиқли кесим юзасида ювувчи суюқликнинг оқим тезлигининг ўзгаришида шламни самарали транспортировка қилиш шароити такомиллаштирилган.

8. Жанубий Кемачи конидаги №137Г, 156Г қудуқларида ва Шеркент конидаги №14 қудуқларида модификацияланган қаттиқ стабилизатор асосида тайёрланган бурғилаш эритмасининг янги таркиби олинган ва қудуқларни қуриш вақтида техник-иқтисодий кўрсаткичларни 8-10% га ошириш имконини берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ И. КАРИМОВА**

КАЮМОВ АБДУРАСУЛ ШОНАЗАРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕОРИИ УЛУЧШЕНИЯ ПРОМЫВКИ
ГОРИЗОНТАЛЬНЫХ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ СКВАЖИН**

04.00.11-Технология бурения и освоения скважин

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № В2019.2.PhD/1267.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Шакиров Анвар Адилевич доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Рахимов Акбарходжа Комилович доктор технических наук, профессор Нурматов Усан Даурович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	АО «Узбекнефтегаз»

Защита диссертации состоится «22» декабря 2020 года в «11⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/05.06.2020.T.03.06 при Ташкентском государственном техническом университете по адресу: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2, факультет Инженерных технологий, ауд. 215. Тел.: (+99871) 246-46-00, факс: (+99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер №189). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (+99871) 227-03-41.

Автореферат диссертации разослан «9» декабрь 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от «9» декабрь 2020 года).



А.А. Рахимов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор технических наук

Ш.А. Каримов
Учленный секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по т.н.

А.А. Закиров
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире обеспечение роста добычи нефти и газа осуществляется, в основном за счет, увеличения объема и темпов буровых работ и бурения вертикальных и горизонтальных скважин в глубокозалегающих продуктивных горизонтах. Мировой опыт показывает, что бурение горизонтальных скважин, исследование гидродинамического движения многофазных жидкостей во время вращения внутренней буровой колонны и проблемы эффективной промывки скважины изучены недостаточно. Следовательно, изучение проблем, возникающих в процессе промывки горизонтальных скважин, и транспортировка частицы выбуренной породы является приоритетной задачей и считается актуальным. Поэтому первостепенное значение приобретает необходимость более глубокого теоретического и экспериментального исследования процесса транспортирования выбуренных частиц горных пород по горизонтальному стволу скважины.

В мире особое внимание уделяется целенаправленному изучению вопросов эффективной промывки горизонтальных нефтяных и газовых скважин и решению других задач, в том числе: разработка теоретических основ для эффективной промывки скважин, транспортировка выбуренных пород в горизонтальном стволе скважины, разработка модели исследования закономерностей движения и структуры выбуренных неоднородных сред, определение профилей потока, распределение концентрации, скоростей потока, определение критической скорости, обеспечивающей взвешенное состояние твердой частицы с учетом силы тяжести на основе теории механики сплошных сред, определить влияние реагента гидрофобного стабилизатора на технологические свойства буровых растворов.

В республике особое внимание уделяется созданию собственного независимого топливно-энергетического комплекса и развитию нефтегазовой промышленности. На сегодняшний день за счёт планомерного и поэтапного развития, внедрения новейших технологий и техники каждый год происходит наращивание ресурсной базы углеводородов республики. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены меры по «обеспечению комплексного и эффективного использования природного и минерально-сырьевого потенциала отдельных регионов¹». Исходя из этих целей, исследования по разработке нового состава бурового раствора, обеспечивающего снижение осаждения горных пород на забое горизонтальной скважины и вокруг ствола при бурении скважин, актуальным и имеет большое научно-практическое значение.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, изложенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5635 от 17 января 2019 года «О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития»», № УП-5646 от 01 февраля 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы управления топливно-энергетической отраслью Республики Узбекистан» и Постановлении Президента Республики Узбекистан, №ПП-4142 от 01 февраля 2019 года «О мерах по организации деятельности Министерства энергетики Республики Узбекистан», а также в других нормативно - правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

